

УДК007.52

**БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ  
САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЬМИНЛАШДА  
АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ**

*Сайдов А.А., Дусмуҳамедов А.*

Мақолада ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши, маълумотлар базаси бутунлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. Жумладан, божхона органларининг ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлигини тизимли равишда химоя қилиш механизмини яратиш борасида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати ҳужжати ишлаб чиқиши ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳукуқий асоси сифатида кўриб чиқилган.

**Таянч иборалар:** ахборот хавфсизлиги, ахборот хавфсизлиги сиёсати, автоматлаштирилган ахборот тизими, божхона юк декларацияси, божхона органлари, интерактив хизматлар, иқтисодий хавфсизлик, таҳдид, хавф.

В статье рассматривается задача обеспечения бесперебойной работы информационных систем таможенных органов, целостность базы данных и безопасность. В частности, в качестве правовой основы информационной безопасности рассматривается разработка Политики информационной безопасности Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** информационная безопасность, Политика информационной безопасности, автоматизированная информационная система, грузовая таможенная декларация, таможенные органы, интерактивные услуги, экономическая безопасность, угроза, риски.

The article notes that a set of programs for the automation of customs clearance processes has been created in the customs authorities and integrated into a single automated information system. Also, it speaks about the role and importance of the development and implementation of the Information Security Policy in the organization's security management system as a whole. The main focus of the work is to ensure systematic protection of information in the Unified automated information system.

At the same time, it was stressed that a basic document on the security policy of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan was developed to create a mechanism for the systematic protection of information security in information units of customs authorities.

In the developed document, special attention is paid to the issue of rules for the comprehensive protection of information security facilities in the customs authorities. In addition, the development of the Information Security Policy of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan is considered as a means of implementing the legal method for ensuring information security.

**Keywords:** information security, Information security policy, automated information system, customs cargo declaration, customs authorities, interactive services, economic security, threat, risks.

## I. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни, “Божхона кодекси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлари билан Давлат божхона қўмитасининг таркибий тузилиши ва вазифалари белгилаб берилган.

Ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқуқларини ҳимоялаш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ягона божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, божхона қонунчилиги бузилиши, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, аниқлаш ва тўхтатиш ҳамда товар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини ўрнатиш каби вазифа юклатилган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш божхона органлари олдига ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш ва сақлашни таъминловчи ҳамда божхона иши жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Шу муносабат билан, Давлат божхона қўмитасида “божхона пости – худудий божхона бошқармаси – Давлат божхона қўмитаси” занжири бўйича ахборотларни реал вақт миқёсида йиғиши, назорат ва таҳлил қилиш, қайта ишлашга мўлжалланган бир қатор автоматлаштирилган ахборот тизимлар яратилиб, амалиётга жорий қилинган [1].

Ҳозирги кунда божхона идоралари фаолиятининг деярли барча йўналишларни қамраб олган 40 дан ортиқ автоматлаштирилган ахборот тизимлари амалиётга жорий этилган бўлиб, улар имкониятларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Шундан 20 дан ортиғи давлат ахборот тизими сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, қолганлари ички идоравий ахборот тизимлари хисобланади.

Амалиётга жорий этилган ахборот тизимлари асосида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона расмийлаштируви жараёнида


кулайликлар яратиш мақсадида “Ягона давлат интерактив хизматлар портали” хамда Давлат божхона қўмитаси расмий веб-сайти орқали 20 дан ортиқ интерактив хизматлар жорий этилган.

Божхона органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этиб борилаётганлиги, ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар сони кескин ортиб бораётганлиги, ахборот тизимларнинг мутасадди вазирлик ва идоралар билан ўзаро интеграция қилинаётганлиги сабабли мазкур соҳада таҳдид турлари ҳам ортиб бораётганлиги ахборот хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишга асос бўлмоқда.

## II. АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати фаолиятини умумий ва марказлаштирилган назорати Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати томонидан амалга оширилади. Божхона комплекслари ва постлари эса ўз фаолиятини худудий божхона бошқармалари назорати остида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси тизимиға Марказий аппарат, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар божхона бошқармалари, “Тошкент-Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинология маркази хамда божхона постлари киради. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари уч босқичли бошқарув тизимиға эга:



1-расм. ДБҚнинг таркибий тузилиш схемаси

Божхона органларида ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш, ахборот ресурсларини муҳофаза қилишни таъминлашда ахборот хавфсизлигини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, божхона органларида ахборот хавфсизлиги соҳасида тизимли ишларни ташкил этилиши мақсадида Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси таркибида Ахборот хавфсизлиги бўлими ташкил этилган.


Бўлим фаолияти божхона органларининг ахборотлаштириш обьектларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар, ўқув семинарлари, ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлашга доир янги технологияларни жорий этиш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда божхона органларининг ахборот хавфсизлиги ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга қаратилган. Божхона органларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга комплекс ёндашувни ташкил этиш Давлат божхона қўмитасининг “Ахборот хавфсизлиги сиёсати” хужжатини ишлаб чиқиш ва изчил татбиқ этишни тақозо этади [2].

Давлат божхона қўмитасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати лойиҳаси куйидаги талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 2016 йил 23 февралдаги йиғилиши 7-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланма”;

- O'zDSt ISO/IEC 27001-2013 “Ахборот технология. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимлари. Талаблар”;

- O'zDSt ISO/IEC 27002-2013 “Ахборот технологиялари. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг амалий қоидалари” давлат стандартлари [3].



2-расм. ДБKnig Аҳборот хавфсизлик сиёсати таркиби

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Аҳборот хавфсизлиги сиёсати божхона органларида аҳборот хавфсизлиги соҳасида, ягона автоматлаштирилган аҳборот тизимида, электрон хужжат айланиши тизимида, норматив-хуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқиш, ички ва ташки таҳдидларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва олдини олиш соҳасида, лицензияланган ва миллий дастурий маҳсулотлар соҳасида, шунингдек, аҳборот хавфсизлиги соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш масалаларини қамраб олган ҳолда тартибга солишга қаратилган.

Шу билан бирга, Аҳборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиша аҳборот тизимларини жорий этиш, ривожлантириш ва уларда сақланаётган аҳборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминлашнинг тизимли равища ташкилий, техник ва жисмоний ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилиши зарур [4]. Ҳусусан,

**Ташкилий йўналишда** – маҳсус замонавий сервер хонаси, электрон рақамли имзони рӯҳатга олиш Маркази, аҳборот ресурсларини марказлашган ҳолда ишлиши, аҳборот тизимлари ҳамда аҳборот тизимлари ва телекоммуникация қурилмаларнинг узлуксиз ишишини таъминлаш мақсадида кеча ва кундуз ишловчи “тезкор гурух” ташкил этиш, аҳборот ресурсларига рухсат берилмаган ҳамда кириш ҳолатларини қатъий бартараф этиш мақсадида, уларга фақатгина электрон рақамли имзо билан ишлаш амалиёти жорий этиш механизмлари ёритилади.

**Техник йўналишда** – божхона органларини юқори қувватли серверлар, компьютер техникалари билан таъминлаш, аҳборот алмашинувида

химояланган “Ўзбектелеком” миллий операторининг VPN каналлари орқали ташкил этиш, сервер ва ишчи станцияларга лицензияланган антивирус дастурларини ўрнатиш ва марказлашган ҳолда янгиланиб бориши йўлга кўйиш вазифалари киритилади.

**Жисмоний йўналишда** – Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати ҳамда худудий божхона бошқармасининг ахборотлаштириш объектларига ходимлар ва бегона шахсларнинг кириб-чиқиши, худуднинг периметр бўйича химоясини ташкил этиш, ушбу объектларда ёнфинга қарши курашиш ва кўриқлаш тизимлари ўрнатиш тартиботлари белгиланади.

### III. ХУЛОСА

“Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати” хужжати божхона органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича ягона умумий сиёсатнинг асосий тамоилларини белгилайди. Мазкур меъёрий хужжат бошқа тегишли хужжатлар қабул қилиш ҳамда ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг мукаммал тизимини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бундан ташқари, Ахборот хавфсизлиги сиёсати божхона органларида ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш стратегиясини ва уни амалиётда кўлланиши юзасидан механизмини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди.

### АДАБИЁТЛАР

- [1] Сайдов А.А. ва бошқалар. Божхона органларининг ахборот тизимлари асослари. Дарслик, 2-том, Тошкент, 2016. – 339-353 б.
- [2] Загинайлов Ю.Н. Теория информационной безопасности и методология защиты информации. Москва-Берлин, 2015. – 83-85 с.
- [3] Сайдов А.А. ва бошқалар. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий хужжатлар тўплами. Тошкент, 2015. – 67-70 б.
- [4] Шаньгин В.Ф. Информационная безопасность. Москва, 2014. – 80-96с.